O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 13 октябрь, № 199 (4862) Сешанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 октябрь куни Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейкни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари кўплаб соҳалардаги ҳамкорликни, шунингдек, трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш каби кенг кўламдаги халқаро масалаларни қамраб олишини қайд этди.

Мамлакатларимиз Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, Афғонистонни иқтисодий тиклаш ишларида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон худуди орқали Афғонистонга ноҳарбий ва гуманитар юклар етказиб берилмоқда.

Роберт Блейк самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди, АҚШ маъмурияти Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини янада ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейк раҳбарлигидаги делегация 12 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров билан учрашди.

АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги алоқалар кўплаб жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди.

АҚШ делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан ҳам музокара ўтказди. Учрашув чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Делегация аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида ҳам бўлиб, икки томонлама ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

(ЎзА).

БАНК КАПИТАЛИ – ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ МУҲИМ РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ОМИЛИ

9 октябрда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ташкил этилган "Иқтисодиётни модернизациялашда банклар ва бошқа молиявий институтлар иштирокини кучайтириш ҳамда рағбатлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмлари" мавзуида конференция бўлиб ўтди.

Бу тадбир жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишга, мамлакатимизда қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг моҳиятини ҳамда кенг аҳоли қатламлари ва хўжалик юритувчи субъектлар учун аҳамиятини ёритиб бериш ва тушунтиришга бағишланган семинарлар, конференциялар ва давра суҳбатлари туркумининг давоми бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 февралдаги мажлисидаги маърузасида қайд этиб ўтилганидек, инвестиция фаолиятини кенгайтириш борасида банклар зиммасига юклатилган вазифалар муносабати билан уларнинг ишини тубдан қайта қуриш зарур.

Ўзбекистон Президенти томонидан қўйилган вазифаларга мувофиқ, мамлакат тижорат банкларида инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш ҳамда уларни молиялашни амалга ошириш билан шуғулланадиган махсус департаментлар ташкил этилди. Тижорат банкларига берилган имтиёзлар ва солиқ преференциялари ажратилаётган инвестиция кредитлари ҳажмларини ошириш имконини берди. Бу кредитлар 2009 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича 1,5 триллион сўмдан ортиқ бўлди.

Конференцияда банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш ва иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини кучайтириш,

(Давоми 2-бетда).

Аввал хабар берганимиздек, жорий йилнинг 7-9 октябрь кунлари пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида "Uzbekistan Infrastructure – 2009" халқаро Ўзбекистон ихтисослашган кўргазма лойиҳаси рўёбга чиқарилди. Айтиш мумкинки, ушбу йирик тадбир илк бор ташкил этилганига қарамай, кутилган натижани берди. Унинг доирасида кўп томонлама алоқаларни кенгайтириш, қўшма корхоналар ташкил этиш юзасидан зарур шароитлар яратиб берилгани туфайли ҳар бир кун келишув ва битимларга бой бўлгани бунинг яққол далилидир.

Инфратузилма:

ТАРМОҚЛАР РИВОЖИДАГИ УСТУВОР ТАДБИР

Бу лойиҳанинг аҳамиятли жиҳати шундаки, у бирваракайига тўртта — "Power Uzbekistan" ихтисослашган энергетика, "Қўриқлаш, хавфсизлик ва ёнғинга қарши ҳимоя — CAIPS", "Транспорт ва Логистика — Trans Uzbekistan" ҳамда "Йўл қурилиши ва коммунал техника — UzComak" кўргазмаларини қамраб олди. Бу эса, ўз навбатида, нафақат чет эллик ишлаб чиқарувчилар билан, балки иқтисодиётимиз устувор тармоқларининг ўзаро кооперацион алоқаларга киришишига қулай муҳитни вужудга келтирди. Сабаби, кўргазма лойиҳасида энергетика саноати, транспорт ва логистика, ёнғин хавфсизлиги ва қурилиш соҳаларининг барча йўналишларини мужассам этган ўнлаб бўлимлар фаолият кўрсатди. Юқори ва паст кучланишли электр ускуналари, кабеллар ва монтаж жиҳозлари, ёритқичлар ва ёруғлик ўлчаш асбоблари, изоляторлар ва трансформаторлар, автомобиль, темир йўл, денгиз ва дарё транспортининг замонавий машиналари, юк

Жараён

ташиш ва логистика хизматлари, шунингдек, назорат тизимлари ва ҳимоя воситалари сингари бўлимлар шулар жумласидандир.

Айниқса, "Юк ташиш ва замонавий машиналар" бўлими тадбир қатнашчилари билан гавжум бўлди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Негаки, мамлакатимизда йўл қурилиши, транспорт ва логистика соҳаларида изчил ривожланиш жараёни кечаётир. Бунда замонавий машиналар, уларнинг таъмирлаш ва сервис хизматлари кўрсатиш учун қулай асбоб-ускуналар ҳамда технологияларга эҳтиёж сезилиши табиий, албатта. Шу боис Мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси билан тизимда модернизациялаш ишлари жадал олиб борилаётир. Натижада Ўзбекистон Ҳамдўстлик давлатлари ичида транспорт тармоқларининг ривожланиши ва ташилаётган юк ҳажми бўйича етакчи ўринларга чиқиб олди.

Дарҳақиқат, Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини ривожлантириш дастурининг рўёбга чиқарилаётгани туфайли транспорт инфратузилмаси бутунлай янги босқичга кўтарилди. Мамлакатимизда ички ташувларнинг 65 фоизи автомобиль транспорти улушига тўғри келаётгани шундан далолат беради. Қувонарлиси,

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

САМАРҚАНД. Жомбой туманидаги "Амин-инвест-интернейшнл" Ўзбекистон — Россия — Англия қўшма корхонасига 600 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилгач, бу ерда кенг кўламли модернизация ишлари амалга оширилди.

Корхона маҳсулотлари — экспортга

Натижада ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробарга ортди. Қувонарлиси, жорий йилнинг ўтган даврида корхона томонидан 2 миллион 750 минг дона трикотаж маҳсулотлари экспорт қилинди.

Яна бир эътиборли жиҳати, янги қувватларнинг ишга туширилиши билан "Амин-инвест-интернейшнл"да меҳнат қилаётганлар сони 300 нафарга етди.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНТ. Мамлакатимиз автомобилсозлик саноати учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришда пойтахтимиздаги "TOSHAFUS" қўшма корхонасининг ҳам ўз ўрни бор.

Ҳам сифатли, ҳам арзон

Корхонада йилига "MATIZ", "NEXIA" автомобиллари учун мўлжалланган 240 минг дона иссиқлик насоси ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. У Жанубий Кореядан келтириладиган худди шундай маҳсулот ўрнини босади, сифатли, энг асосийси — арзон. Бу эса автомобилсозларимизга маъқул келмоқда.

Айни пайтда корхона ишчи-хизматчилари маҳсулот турини кўпайтириш устида изланиш олиб боришаётир. Улар янги турдаги экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш ҳисобига дунё бозорига чиқишни мўлжаллашмоқда.

М. ҲАБИБУЛЛАЕВА.

БУХОРО. Газли магистраль газ қувурлари бошқармаси янги компрессор станциясини ишга туширди.

Харажат камайиб, даромад кўпайди

Бу ерга 117 миллион АҚШ доллари эвазига хориждан бешта газ қисиш агрегати олиб келиб ўрнатилди. Мазкур қурилмалар конлардан қазиб олинаётган газни бир ерга тўплаб, қувурлар орқали катта босим остида истеъмолчиларга етказиб беради. Айтиш керакки, ҳар бир агрегат бир кеча-кундузда 15 миллион кубометр газни узатиш имкониятига эга.

Эътиборли томони, янги технологияларнинг ишга туширилиши билан электр энергияси сарфи икки баробарга камайиб, иш унуми сезиларли даражада ошди. Шунингдек, бу ерда қўшимча 70 та янги иш ўрни яратилди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НАМАНГАН. Янгиқўрғоннинг қатор қишлоқлари аҳолисининг узоғи яқин бўлди.

Йўл равон, манзил яқин

Яъни Нанай қишлоғини туман марказига боғловчи янги йўл барпо этилди. Мазкур лойиҳани рўёбга чиқариш учун 2 миллиард 322 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Муҳими, ушбу қурилиш туфайли Янгиқўрғондан Нанайга элтувчи автомобиль йўли 4 километрга қисқарди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕК ПАХТАСИНИНГ ЎЗ БОЗОРИ БОР

Ўзбекистон пахтаси! Дунёнинг тўқимачилик ва енгил саноати ривожланган давлати борки, уни харид қилишдан умидвор. Мутахассислар жаҳон бозорида ўзбек пахтаси ва толасига талаб тобора ортиб боришининг сабабини унинг саноатбоплиги билан изоҳлашмоқда. Бу толамизнинг узунлиги, пишиқлиги, ранги ва микронейр кўрсаткичлари жиҳатидан устунлигини англатади.

Президентимиз ташаббуси билан илк бор 2005 йилда ташкил этилиб, анъанавий тус олган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси, таъбир жоиз бўлса, ўзбек пахтасининг жаҳоний бозорига айланди. Бу нафақат мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари, балки дунё тўқимачилик саноати вакиллари учун ҳам кенг имкониятдир. Эндиликда улар ўзбек пахтаси ва толасини воситачиларсиз, яъни тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчилардан харид қилишга мушарраф бўлмоқдалар. Шу боис мазкур нуфузли тадбирга қизиқиш тобора кучаймоқда. Иштирокчи давлатлар сони йил сайин кўпаяётгани шундан далолат беради. Эътибор қилинг, ярмаркага 2007 йилда дунёнинг 30 мамлакатидан 169 нафар вакил келган бўлса, ўтган йили иштирокчи давлатларнинг сони 49, тўқимачилик компаниялари вакилларининг сони эса 250 дан ошиб кетди. Бу кўрсаткич жорий йилда янада ошиши кутилаяпти. Сабаби, V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида кўплаб чет давлатлар компаниялари мутахассислари иштирок этиш истагини билдиришган.

Айни пайтда мазкур йирик тадбирга тайёргарлик ишлари жадал олиб борилаяпти. Жумладан, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимидаги пахта тозалаш корхоналари дунёнинг етакчи енгил саноат ва тўқимачилик компаниялари мутахассислари, олим ҳамда экспертларини пахта хом ашёсини қайта ишлаш жараёни билан таништиришга шай бўлиб турибдилар.

— Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси деҳқонларимиз етиштирган хом ашёни жаҳон бозорига кенгроқ олиб кириш, чет эллик ишлаб чиқарувчилар билан бевосита алоқаларни ўрнатиш имкониятини кенгайтирмоқда, — дейди уюшманинг ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Зоҳид Каримов. — Ўз навбатида, юртимиз пахтакорлари, айниқса, қайта ишловчилари учун соҳадаги ўзгариш ва янгиликлар юзасидан фикр алмашиш учун муносиб шароит яратилгани унинг аҳамиятини янада оширмоқда. Бугунги кунда пахтани қайта ишлаш корхоналарида янги ҳосил қабул қилиниб, ундан тола олинмоқда. Уларнинг сифат кўрсаткичлари анча юқорилиги алоҳида эътиборга моликдир. Бу Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида мамлакатимизда жаҳон бозорида харидоргир тола берадиган ғўза навлари парваришланаётгани, ўз навбатида, қайта ишлаш тизими изчил ислоҳ қилинаётганининг самарасидир.

Чиндан ҳам, пахта тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимининг такомиллаштирилиши тола сифатини янада яхшилаш имконини бераётир. Хом ашёни дастлабки ишловга тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида "Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимидаги корхоналар техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилинмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги "2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжатга кўра, шу даврда 41 та пахта тозалаш корхонаси модернизация қилиниши кўзда тутилган бўлиб, бугунга қадар уларнинг 24 тасида технологик янгилаш ишлари якунланди.

Қорақалпоғистон Республикаси "Элликқалъа олтин толаси" акциядорлик жамияти — шулардан бири. Бу ерда модернизациялаш тадбирларига 2557,8 миллион сўм йўналтирилган бўлиб, шундан 535 миллион сўми замонавий ускуналар ва эҳтиёт қисмлар харид қилишга сарфланди. Натижада қуритиш-тозалаш цехига иккита "ИИЧ-1,9" иссиқлик генератори, шунча "2СБ-10" қуритиш барабани, "УХК" пахта тозалаш тизими ва "1УХК" ифлосликни тозалаш ускунаси олиб келиб ўрнатилди.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, жамиятни модернизациялаш ҳамда янгилаш, иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда парламентимиз томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган қонунлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида ҳам ушбу мақсадларни назарда тутувчи бир қатор ҳужжатлар муҳокама қилиниб, маъқулланди. "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни шулардан биридир. Яқинда мазкур Қонун Президентимиз томонидан имзоланди. Парламент юқори палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Ғофир АЛИЕВ Қонуннинг мақсади, мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

Электр энергетикаси:
МУНОСАБАТЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

— Айтиш жоизки, ҳозирга қадар мамлакатимизда электр энергетикаси соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компаниясининг идоравий меъёрий ҳужжатлари асосида амалга ошириб келинаётганди, — дея сўз бошлади Ғофир Қуватович. — Аммо бу борадаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини тўлиқ қамраб олувчи қонун даражасидаги яхлит ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас эди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга киритилди. Бу орқали тизимдаги муносабатларни тартибга солиш, истеъмолчиларга электр энергиясини ишончли ва тежамли тарзда етказиб берилишини, соҳага инвестициялар жалб этилишини таъминловчи, тармоқдаги муносабатларни тартибга солувчи тизимнинг қонуний асоси яратилди.

Мазкур Қонундан электр энергияси ишлаб чиқарилишидан тортиб, то истеъмол қилиш жараёнигача ҳар бир иштирокчининг ҳуқуқи, мажбурияти ва жавобгарлиги, давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари, масъулиятини белгиловчи, давлат, соҳа ва истеъмолчиларнинг узоқ муддатли манфаатлари нуқтаи назаридан соҳанинг энг самарали йўналишларда ривожланишини рағбатлантирувчи меъёрлар ўрин олган.

Маълумки, 2001 йил 22 февралда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси энергетикасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинганди. Ушбу ҳужжат электр энергетикаси соҳасида иқтисодий муносабатларни ташкил этишда янги босқич бўлиб, бу борадаги устувор йўналишларни белгилаб берди. Кучга кирган Қонунда ҳам ана шу Фармонда назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш масалалари қамраб олинган. Хусусан, электр энергияси сотиш соҳасида рақобат муҳитини яратиш, энергетика корхоналарини реконструкция қилиш, техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш каби қатор жиҳатларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

"Электр энергетикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, аввало, мазкур соҳани узоқ муддатли ривожлантиришдаги давлат сиёсатини амалга оширишни назарда тутади. Шу билан бирга, унда электр энергетикаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш, инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароит яратиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий муносабатларни ташкил этиш, истеъмолчиларга ишончли ва сифатли электр энергиясини асосланган нархларда етказиб беришни кафолатловчи инфратузилмани яратиш ва ишлатиш сингари мақсадларга ҳам устувор аҳамият қаратилган.

Қонуннинг 6, 7, 8 ва 9-моддаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, энергетика соҳасидаги махсус ваколатли орган — "Ўзбекэнерго" ДАК, давлат назорати органи — "Ўздавэнергоназорат" инспекцияси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг зиммасига қатор вазифалар юклатилди. Жумладан, Қонунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбарлигида "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси, "Ўздавэнергоназорат" инспекцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан электр энергетикасини ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилиши, белгиланган тартибда тасдиқланиши ва амалга оширилиши кўрсатиб берилди. Бундан ташқари, унда электр энергетикаси соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий принциплари ва устувор йўналишларининг рўёбга чиқарилиши, қайта тикланадиган электр манбаларидан фойдаланган ҳолда электр энергиясини ҳосил қилишга доир лойиҳаларни ишлаб чиқиш, электр энергияси ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари ҳам назарда тутилган.

Қонун кучга кирди

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратиш ўринли. Яхши биласиз, мамлакатимизда Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастури изчиллик билан амалга оширилмоқда. Қонунда Дастурда белгиланган ана шу вазифалардан келиб чиқиб, хусусий операторларни ташкил этиш бўйича янги механизмни жорий қилиш ва уларга туман, шаҳар доирасида электр энергияси сотишнинг айрим масалаларини топшириш мумкинлигини белгиловчи норма ҳам киритилди.

Аҳамиятлиси, бу нормалар мамлакатимиз электр энергетикаси соҳасининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитидагина эмас, балки ундан кейинги даврда ҳам ривожланишига муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, Қонунда ягона электр энергетикаси тизимига уланган иссиқлик электр станциялари, иссиқлик электр марказлари, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланадиган электр станциялари давлат мулки ёки хусусий мулк бўлиши мумкинлиги қайд этилган. Ягона электр энергетикаси тизимига уланган гидроэлектростанциялар эса фақат давлат мулки эканлиги белгилаб қўйилди.

Ҳуқуқий мажмуада электр энергетикаси соҳасининг бутун яхлит бир тизими қандай бўлиши, унда иштирок этувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборатлиги тўлиқ кўрсатилган. Яъни, электр энергияси иссиқлик электр станциялари, иссиқлик электр марказлари, гидроэлектростанциялар, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланадиган электр станцияларида ҳосил қилинади. Сўнг бу электр энергияси магистраль электр тармоқлари орқали ҳудудий электр тармоқларига, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхоналарининг электр тармоқларига узатилади. Мазкур электр энергиясини тегишли ҳудудлардаги электр таъминоти корхоналари, яъни туман, шаҳар электр таъминоти корхоналари орқали истеъмолчиларга тақсимлаш ва сотиш амалга оширилади.

Электр энергетикаси объектларини муҳофаза қилиш масаласига ҳам Қонунда алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, унинг 31-моддасига кўра, электр тармоғи хўжалиги объектларининг сақланишини таъминлаш, улардан фойдаланиш учун зарур шароитлар яратиш, шунингдек, мазкур объектлар шикастланишининг ва аҳоли ўртасида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида электр тармоғи хўжалиги объектларига туташ ерларда муҳофаза зоналари белгиланди. Электр тармоғи хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Хулоса қилиб айтганда, эндиликда кучга кирган Қонун электр энергетикаси тармоғини ҳамда электр энергетикаси корхоналари ва ташкилотлари фаолиятини бошқариш, шунингдек, уларнинг энергия истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларини тартибга солишнинг мувозанатланган ҳуқуқий тизими бўлиб хизмат қилади. Қолаверса, у мамлакатимиз электр энергетикаси юқори даражада ишончли ва хавфсиз бўлишини, ягона электр энергетикаси тизимининг мунтазам ишлаб туришини, ушбу хизматлардан истеъмолчиларнинг тенг ҳуқуқли фойдаланишини, соҳага маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилишни, рақобат муҳитини вужудга келтиришни, тўловларни йиғиш самарадорлигини оширишни таъминлайди.

Шавкат ОРТИҚОВ
ёзиб олди.

БАНК КАПИТАЛИ – ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ МУҲИМ РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

молиявий ночор корхоналарни соғломлаштириш ва уларни бошқариш, тижорат банкларининг иқтисодиётни қайта ташкил этиш, ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш, техникавий ва технологик қайта қуроллантириш жараёнларида кенг иштирок этиши масалалари муҳокама қилинди.

Мунозара асносида тижорат банклари балансига олинган банкрот корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш ва қайтадан бошлаш натижаларига ҳам алоҳида эътибор берилди. Айни пайтгача тижорат банкларининг балансига олинган банкрот корхоналарнинг 35 таси қайта тикланиб, янги мулкдорларга сотилди. Сотилган корхоналарга янги мулкдорлар томонидан 87,9 миллиард сўм миқдорида маблағ инвестицияланди ва 12 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди.

Тижорат банклари ўз балансларига олган корхоналарга 44 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда инвестиция киритдилар, натижада 4 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Ушбу корхоналарда йил бошидан бери ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот ҳажми 20 миллиард сўмни ташкил этди, шундан 8 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди.

Конференция қатнашчилари кўзга ташланаётган ижобий тамойиллар мамлакатда банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доимий эътибор берилаётганлигининг натижаси эканлигини таъкидладилар.

Муҳокама чоғида конференция қатнашчилари банклар ва бошқа молиявий институтларнинг иқтисодиётни модернизациялашдаги иштирокини кенгайтириш ва рағбатлантириш, уларнинг инвестициялаш борасидаги фаоллигини оширишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этиш юзасидан қўшимча чоралар кўриш ҳақида ўз таклифларини билдирдилар.

Конференция ишида сенаторлар, Марказий банк ва тижорат банклари, нобанк кредит ташкилотларининг раҳбарлари, шунингдек, манфаатдор вазирлик ва идоралар, йирик корхоналар раҳбарлари ва ходимлари ҳамда кичик бизнес субъектлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, олимлар ва экспертлар қатнашдилар.

(ЎзА).

Парламентдаги мухбирларимиз хабар қилади.

ТАДҚИҚОТЧИ ЁШЛАРНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИ

Олий Мажлис Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан ҳамкорликда "Иқтидорли ёшларни истиқболли илмий тадқиқотларга жалб қилишнинг долзарб муаммолари" мавзуида конференция ташкил этди.

Таъкидланганидек, бугун мамлакатимиз ёшлари орасида истиқболли илмий тадқиқотлар билан фаол шуғулланиш, бундай изланишларни самарали ташкил этиш ишлари тобора ривожланиб бормоқда. Фан-техника ва иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлган соҳалар, чунончи, табиий ва аниқ фанлар ядро физикаси, иссиқлик физикаси, астрофизика, гелиоматериалшунослик, биология, микробиология, кимё, сейсмология йўналишларида ёш олимларимиз катта ютуқларга эришмоқдалар. Бу ишлар кўлами, айниқса, Президентимизнинг 2006 йил 7 августдаги "Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан сўнг янада кенгайди. Негаки, ушбу ҳужжатда белгиланган тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши туфайли илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалда қўллаш, уларни молиялаш ҳамда эртамиз эгаларининг бу борадаги фаолиятини рағбатлантиришга эътибор кучайди.

— Мамлакатимиздаги 260 дан ортиқ илмий муассасаларда изланиш олиб бораётган олимлар сафида ёшларнинг йил сайин ортиб бораётгани қувонарлидир, — дейди сенатор З. Зуннунов. — Президентимиз ташаббуси билан ёш тадқиқотчилар ҳар томонлама рағбатлантирилиб, қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, улар ўртасида мунтазам фундаментал тадқиқотлар танлови ўтказилмоқда, энг муҳими, шу асосда ёш олимларнинг илмий-техник дастурлари ҳамда лойиҳалари шакллантирилаётир. Биргина мисол, сўнгги икки йилда ёш олимларнинг 110 та фундаментал тадқиқотини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 655 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Анжуман қатнашчилари иқтидорли ёшларни истиқболли илмий лойиҳаларга жалб қилиш ишларининг самарадорлигини янада ошириш давр талаби эканлигини алоҳида қайд этдилар. Бунда, айниқса, мутасадди ташкилотлар бажарилаётган лойиҳаларда ёшлар иштирокини кенгайтириш, ёш тадқиқотчилар изланишларини молиялаш учун грантлар жалб этишни жадаллаштириш, бу борадаги муаммоларни бартараф этишга эътиборни янада кучайтириши лозимлигини таъкидлаб, тегишли тавсияларни бердилар.

Қобил ХИДИРОВ.

Кўргазма

Пойтахтимизнинг "Ўзэкспомарказ" мажмуасида нашриёт-полиграфия саноати, реклама, этикетка ва картон қоғоз ишлаб чиқариш бўйича ташкил этилган "O'ZBEK in PRINT", "O'ZUPAK" ҳамда "O'ZREKLAMA — 2009" XI халқаро кўргазмалари ўз ишини якунлади.

ФИКРЛАР АЛМАШИЛДИ, ТАЖРИБАЛАР ЎРГАНИЛДИ

Таъкидлаш керакки, кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча жабҳалари қатори миллий матбаа тармоғини ҳам жадал ривожлантириш, хусусан, тармоқни замон талаблари даражасидаги жиҳозлар билан таъминлаш, шунингдек, соҳада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида талайгина ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур кўргазмалар эса, тизимни янада ривожлантиришда ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирларнинг навбатдагиси бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Зеро, кўргазмалар нафақат полиграфия соҳасида эришилган ютуқларни саржисоб қилиш, балки ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, мутахассисларга касб маҳоратларини яна бир бор синаб кўриш имкониятини яратиб берди. Кўргазмалар доирасида матбаачилик ривожига оид кўплаб учрашув ва анжуманлар, тақдимот маросимлари ташкил этилгани бунга яққол мисол бўла олади.

— Ўзбекистонда саккиз йилдан буён фаолият юритаётган бўлсак, мана, беш йилдирки, ушбу кўргазмаларда мунтазам қатнашиб келаяпмиз, — дейди Жанубий Кореянинг "Корус Логистика" компанияси менежери Наргиза Примкулова. — Бу йил иштирокчиларга турли мақсадларга мўлжалланган этикетка ҳамда қадоқлаш маҳсулотларимиздан ташқари, ламинациялашда ишлатиладиган ускуналарни ҳам тақдим этдик. Маҳсулотларимиз қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди. Кўргазмалар доирасида бир нечта ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишувга эришганимиз бунинг ёрқин тасдиғидир.

Дарҳақиқат, уч кун давом этган кўргазмаларда мутахассислар бир-бирларининг фаолиятини таққослаш билан бирга, полиграфия йўналишидаги сўнгги янгиликлардан бохабар бўлишди. Айтиш мумкинки, айни шу жиҳат тизимни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ.
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕК ПАХТАСИНИНГ ЎЗ БОЗОРИ БОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга, иккита "5ПД-130" арали жин, шунча "1ВП" тола тозалагич, олтита "5ЛП" линтери сотиб олинди, "ДА-8237" тола тойловчи ускуна таъмирланди, шунингдек, электрон тарозилар ўрнатилди. Ишлаб чиқариш жараёнининг кенг кўламда замонавийлаштирилиши туфайли пахта хом ашёсини қайта ишлаш қуввати 40 минг тоннага етди. Муҳими, толасининг сифати бирмунча ошди.

Умуман олганда, биргина жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларидаги модернизация қилинган 10 та корхонада иш унумдорлиги ва самарадорлиги ошди, ишлаб чиқариш харажатлари, хусусан, электр энергияси сарфини кескин камайтиришга эришилди. Моддий ресурсларнинг тежалиши натижасида маҳсулот таннархи ҳам арзонлашмоқда. Бу уларнинг ташқи бозорда рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳозирги кунда "Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимидаги корхоналарда 2009 йил пахта ҳосили қайта ишланиб, сифат даражаси юқори бўлган, яъни олий ва яхши синфларига мансуб тола олинмоқда. Бу тола намуналари "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази билан ҳамкорликда V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида намойишга қўйилади.

Халқаро анжуманнинг юқори даражада ўтишини таъминлаш мақсадида ташкилотчилар томонидан пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Мақсад битта: у ҳам бўлса, ўзбек пахтасини экспорт қилиш борасида мамлакатимиз ва чет эллик ҳамкорларнинг кўп томонлама манфаатли алоқаларини ўрнатиш учун муносиб шароитни яратишдир.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



СУРАТДА: «Челак пахта заводи» очиқ акциядорлик жамияти фаолиятидан лавҳа.
Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Инфратузилма:
ТАРМОҚЛАР РИВОЖИДАГИ УСТУВОР ТАДБИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

халқаро ва давлат аҳамиятига молик йўлларни жаҳон андозалари даражасида таъмирлаш ишлари бажарилаётгани бу борада бир қатор қулайликларни туғдирмоқда. Биргина жорий йилда шу тоифага кирувчи 400 километрлик йўлларни таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Шу мақсадлар учун дастлабки олти ойда 141 миллиард сўм миқдоридаги маблағ ўзлаштирилгани эътиборга лойиқдир.

— Ўзбекистонда илк бор бўлишим, — дейди Жанубий Кореянинг "E.S. Brake CO" компанияси менежери Хи Донг Ли. — Таассуротларим бир жаҳон. Мени ҳайратга солган жиҳат шундаки, жаҳонда давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг юртингиз иқтисодиётига таъсири сезилмаяпти. Буни кўргазмада иштирок этган кўплаб корхоналарингиз фаолияти ҳам яққол кўрсатиб турибди. Бизнинг компаниямиз томонидан таклиф этилган автомобилсозлик учун эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар бўйича эришилган келишувлар эса бунинг яна бир тасдиғидир.

Таъкидлаш керакки, кўргазма лойиҳаси доирасида дунёнинг 20 га яқин мамлакатининг 70 дан ортиқ компаниялари ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этди. Уларнинг қай бир вакили билан суҳбатлашманг, тадбир натижасидан мамнунлигини изҳор қилади. Шунинг ўзиёқ Ўзбекистон иқтисодиётидаги барқарор ривожланишни ифода этмайдими?

Лойиҳани мавзу жиҳатидан тўлдирувчи янги — "Йўл қурилиши ва коммунал техника — UzComak" кўргазмасига тўхталсак, уни ташкил этишдан тизимни илғор техникалар билан таъминлашга кўмаклашишдек эзгу мақсад кўзланган. "Ўзэкспомарказ" мажмуининг очиқ павильонларида намойиш этилган йўл қурилишида фойдаланилувчи бульдозер, автокран, самосвал сингари йирик машиналар, ободонлаштириш ташкилотлари учун сув сепиш-суғориш, чиқиндиларни ташиш, тиркамали трактор сингари махсус транспортлар ҳеч бир иштирокчини бефарқ қолдирмади.

Лойиҳанинг яна бир кўргазмасида давримизнинг энг долзарб масалаларидан бири — огоҳлик мавзуси илгари сурилгани унинг нуфузини янада оширди, дейиш мумкин. Зеро, ҳозирги кунда хавфсизликни таъминлаш қўриқлаш билангина кифояланмайди, у тобора кенг маъно касб этиб, ахборот, меҳнат, саноат, молмулк, фуқаролар хавфсизлигини муҳофаза қилишни ҳам ифодалайди. Шу боис тизимда хавф-хатарни аниқлаш ва уни бартараф этиш энг замонавий технологиялардан фойдаланишни тақозо этаяпти. Кўргазмада Беларусь, Венгрия, Россия, Украина, Япония сингари чет эл давлатларида ишлаб чиқарилган қўриқлаш, кузатиш, назорат қилиш тизимлари ва ускуналар, шунингдек, махсус кийим-кечаклар тақдим этилди.

Бир сўз билан айтганда, "Uzbekistan Infrastructure — 2009" Халқаро Ўзбекистон ихтисослашган кўргазма лойиҳаси иқтисодиётимиз устувор тармоқларининг муҳим тадбирига айланиб кетди. Унинг доирасида томонлар ўртасида эришилган келишув ва битимлар келгусида тегишли соҳаларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Р. САИДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 13 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:)*

1 Австралия доллари	1354,71
1 Англия фунт стерлинги	2376, 72
1 Дания кронаси	296, 64
1 БАА дирҳами	408, 80
1 АҚШ доллари	1501, 40
1 Миср фунти	274, 20
1 Исландия кронаси	11, 99
1 Канада доллари	1439, 36
1 Хитой юани	220, 00
1 Малайзия рингитти	440, 94
1 Польша злотийси	516, 90
1 СДР	2383, 97
1 Туркия лираси	1028, 00
1 Швейцария франки	1453, 44
1 ЕВРО	2207, 36
10 Жанубий Корея вони	12, 85
10 Япония иенаси	166,62
1 Россия рубли	50, 71
1 Украина гривнаси	187, 44

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

МАҲОРАТ ВА МАЛАКА

қонунлар тарғиботида муҳим аҳамиятга эга

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси қонунларини оммавий ахборот воситаларида тарғиб қилиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тадбир парламент қуйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилди.

Семинарда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари А. Рустамов, Х. Дўстмуҳамедов ва бошқалар мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ҳамда юртимиз тараққиёти ва аҳоли фаровонлигига хизмат қиладиган қонунлар шарҳларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши хусусида фикр билдирдилар.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда икки палатали парламент тизимига ўтилиши билан миллий қонунчилигимиз базаси такомиллашиб, унинг имкониятлари янада кенгайди. Хусусан, Қонунчилик палатасига ўтган тўрт ярим йилда 278 та қонун лойиҳаси келиб тушган бўлса, улардан 213 таси Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди ва матбуотда эълон қилиниб, кучга кирди.

Қонунчилик жараёни, иштирокчилар таъкидлаганидек, мураккаб жараён. Ана шу фаолиятни ОАВда ёритиш, тарғиб қилиш эса ҳар бир журналистдан маҳорат, ҳуқуқий билим ва малака талаб этади. Ва бунга маълум маънода эришилмоқда. Айниқса, Қонунчилик палатасининг жойларда ўтказиб келаётган назорат-таҳлил жараёнлари марказий ва маҳаллий газета-журналларда, телевидение ва радио дастурларида, интернетда кенг тарғиб-ташвиқ қилинмоқда. Шу билан бирга, сиёсий партияларнинг фракциялари фаолияти ҳам сиёсий партиялар газеталарида мунтазам ва атрофлича ёритилмоқда. Бу, ўз навбатида, парламент қуйи палатаси билан ОАВ ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилганидан далолатдир.

Дарҳақиқат, ҳозирда оммавий ахборот воситаларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга қонунларнинг тарғиботи изчил йўлга қўйилган. Бундан ташқари, депутатларнинг ҳам Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари бўйича чиқишлари мунтазам равишда уюштириб борилмоқда.

Шу хусусда атрофлича сўз юритилган семинарда Ўзбекистон Республикаси қонунларини оммавий ахборот воситаларида тарғиб қилиш масалалари юзасидан олиб бориладиган ишларни янада такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди. Ва бу борада Қонунчилик палатаси билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олинди.

Зиёда АШУРОВА.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Ҳеч ким бўйнига олмаяпти

Ироқнинг Рамади шаҳрида учта портлаш содир этилди.

Бу ҳақда "France Presse" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Манбага кўра, машиналарга ўрнатилган портловчи қурилмаларнинг ҳаракатга келтирилиши оқибатида 20 дан ортиқ одам ҳалок бўлган, қарийб 80 киши тан жароҳати олган.

Ҳозирча мазкур қўпорувчилик ким томонидан ва нима мақсадда амалга оширилгани ҳақида маълумотлар йўқ. Текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Буюртмадаги англашилмовчилик

Буюк Британиянинг "British Airways" авиакомпаниясининг буюртма қабул қилиш бўлимида юзага келган англашилмовчилик сабаб минг дона чипта жуда арзон баҳода сотувга чиқариб юборилган.

Гап шундаки, АҚШдан Ҳиндистонга учувчи самолёт учун чипталар Интернет тармоғи орқали сотилаётган вақтда уларга 40 АҚШ доллари миқдорида нарх белгиланган. Компания маъмурияти эса буни орадан икки соат ўтиб пайқаб қолган ҳамда зудлик билан ушбу чипталар амал қилмаслигини билдирган. Изоҳланишича, "British Airways"нинг мазкур йўналиш учун чипталарининг энг арзони 805 АҚШ долларига тенг экан.

Ўз навбатида, йўловчилар АҚШ Транспорт вазирлигига норозиликларини билдиришган. Вазирлик вакиллари эса тез фурсатда англашилмовчилик юзасидан якуний қарорга келинишини маълум қилган.

Чеккан жазоланади

Жорий йилнинг 11 октябридан бошлаб Сурияда жамоат жойларида чекишни тақиқловчи қонун кучга кирди.

"SANA" ахборот агентлигининг маълум қилишича, умумий овқатланиш жойлари, бар, ресторанлар, жамоат транспортлари, ўқув муассасалари ва бошқа шу каби масканларда тамаки тутатганлар икки минг сурия фунти (46 АҚШ доллари) миқдорида жаримага тортиладилар.

Мазкур қонуннинг бузилишига йўл қўйиб берган жамоат жойлари раҳбарлари ҳам жавобгар бўладилар.

Фалокат сабаби ўрганилмоқда

Гаитида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тегишли самолёт ҳалокатга учради.

"Reuters" ахборот агентлиги хабарида айтилишича, воқеа мамлакат пойтахти Порт-о-Пренс шаҳри яқинида содир бўлган. Кўнгилсизлик оқибатида 11 киши ҳаётдан кўз юмган. Фалокат сабаби ўрганилмоқда.

Гаровдагилар озод қилинди

Покистон ҳарбийлари мамлакат қуролли кучлари бош штабини гаровдан озод қилишга муваффақ бўлди, дея хабар тарқатди "Reuters" ахборот агентлиги.

Ҳарбий амалиёт чоғида гаровга олинганлардан 22 нафари озод қилинган, уч киши эса ҳалок бўлган. Шунингдек, барча босқинчилар йўқ қилинган, тирик қолганлари эса қўлга олинган.

Эслатиб ўтамиз, мамлакат армиясининг бош штабига 10 октябрь куни босқинчилар томонидан ҳужум уюштирилганди. Қабиҳликни "Толибон" жангарилар гуруҳи ўз зиммасига олган.

Синов амалиёти ўтказилди

Ҳиндистон яқин радиусга мўлжалланган иккита баллистик ракетани синовдан ўтказди, дея ёзади "The Press Trust of India" нашри.

"Prithvi-II" дея номланган бу ракеталар мамлакатнинг Орисса штатидаги Чандипур полигонида учирилган. Таъкидлаш керакки, Ҳиндистон қуролли кучлари бундай ракеталарга 1991 йилдан бери эгалик қилади. Уларнинг дастлабкиси — "Prithvi-I" синовдан ўтказилганда, у 1000 килограмм оғирлик билан 150 километр масофага аниқ етиб борган эди. "Prithvi-II" ракеталари эса 350 километрдаги нишонга аниқ тегиш имкониятига эга.

Ҳозирча мазкур ҳарбий амалиётга халқаро ҳамжамият томонидан ҳеч қандай муносабат билдирилмаган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Истиқлол йилларида жамиятимизни ислоҳ қилиш, демократлаштириш, одамларимиз тафаккурини ўзгартириш, турмуш фаровонлигини юксалтириш масаласига энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Зеро, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг муҳим шарти — жамиятда ҳар бир инсоннинг қонуний манфаатларини таъминлайдиган тизим яратишдан иборатдир.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ислоҳот

— Асосий Қонунимизда ҳам инсон эркинлиги ва манфаатлари биринчи даражага кўтарилган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг Фарғона вилояти бўйича минтақавий вакили Расулжон Тожиев. — Хусусан, унинг 13-моддасида "...инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади" деб ёзиб қўйилгани фикримизнинг тасдиғидир.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бир қатор давлат органлари ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорликдаги умумэътироф этилган тамойиллар ҳамда халқаро норма ва талабларга қатъий равишда амал қилган ҳолдаги фаолияти талаб қилинади. Бунинг учун инсон ҳуқуқлари соҳасидаги амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, ушбу соҳага тегишли бўлган ходимларнинг масъулиятини янада ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, онги ва маданиятини янада юксалтириш мақсадида доимий равишда учрашувлар, суҳбатлар, семинарлар ва қўшма мажлис-йиғилишлар ўтказиб туриш муҳим аҳамиятга эга.

— Маълумки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик назоратининг ҳам роли катта. Сиз минтақавий вакил сифатида бу борада олиб борилаётган ишларга қандай баҳо берасиз?

— Жамият ҳаётида ҳеч бир шахснинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилишига йўл қўймаслик фақатгина давлат идоралари ёки суд-ҳуқуқ тизими органларининг вазифаси бўлиб қолмасдан, балки бутун жамоатчиликнинг ҳам бурчидир. Шундай экан, муайян демократик давлат ва жамиятнинг фаол фуқароси сифатида ҳар бир инсон ўз ҳуқуқлари қаторида ўзгаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши ҳолларига қарши курашиш учун ҳам масъулдир. Жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида судларда халқ маслаҳатчиларининг иштирок этиши тамойили амалиётга киритилган. Суд мажлисларида халқ маслаҳатчиларининг қатнашиши, шубҳасиз, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда холислик, адолатлилик, бетарафлик, бағрикенглик, инсонпарварлик каби тамойиллар устуворлигини таъминлаш учун хизмат қилади.

Юртимизда ҳар қандай инсоннинг эркинлиги ва ҳуқуқларини қонун асосида ҳимоя қилиш кафолатланган. Республикамизда амнистия актларининг эълон қилинаётганлиги ҳам давлатимизнинг бағрикенглик, кечиримлилик, инсонпарварлик каби олий туйғуларга нақадар юксак даражада эътибор қаратаётганидан далолатдир. Амнистия актларининг қабул қилиниши ва уларнинг ижросини таъминлаш ҳам бевосита жамоатчилик назоратининг иштирокида амалга ошириладиган жараёндир.

— Гап амнистия актлари тўғрисида кетганда, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарор қабул қилинди. Ушбу Қарорнинг жойлардаги ижросини таъминлашда жамоатчилик назорати қандай бўлади?

— Мазкур ҳужжатнинг жойлардаги ижросини жамоатчилик назоратини кучайтирган ҳолда таъминлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ана шу мақсадда барча вилоятларда тузилган ишчи гуруҳлари таркибига Омбудсманнинг минтақавий вакили ҳамда маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари жалб этилди. Улар тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатган ҳолда амнистияга тушувчи шахсларни аниқлаш, уларнинг шахсий ишлари юритилган папкалар билан танишиб чиқиш, амнистия акти қўлланиладиган суд йиғилишларида иштирок этиш, суд ҳукмига кўра, озод этилганларнинг уй-жойларига етиб олиш, хонадонларига ташриф буюриш, жойлардаги ички ишлар идоралари томонидан уларни рўйхатдан ўтказиш, иш билан таъминлаш юзасидан кўрсатиладиган ёрдам, ногирон ва беморларга нисбатан тиббий хизмат ёрдамининг ташкил этилиши каби масалаларни ўрганиб чиқадилар.

— Маълумки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигини нишонлаш доирасида Президентимиз томонидан тасдиқланган тадбирлар дастурига кўра, 2009 йилнинг иккинчи чорагида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), унинг минтақавий вакиллари ҳамда республика Адлия вазирлиги томонидан ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ходимлари томонидан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида" ҳамда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунларнинг ижроси юзасидан мониторинг текшируви ўтказиш назарда тутилган эди. Бу борада амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳам гапириб берсангиз?

— Ушбу мақсадда жорий йилнинг август ойида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий вакили ташаббуси билан махсус гуруҳ ташкил этилди. Гуруҳ аъзолари Фарғона, Қўқон шаҳарлари, шунингдек, Фарғона ҳамда Риштон туманларида бўлиб, бир қатор ҳокимлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида мазкур масаланинг йўлга қўйилиши бўйича текширувлар ўтказдилар.

Мониторинг текшируви чоғида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш жараёнига оид муайян камчиликлар борлиги аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Жумладан, айрим ташкилотларда ариза ва шикоятлар билан мурожаат қиладиган фуқароларни қайд қилиш китоблари талаб даражасида юритилмаётганлиги, кўплаб ҳужжатлардан иборат махсус иш юритиш папкалари қаровсиз ҳолда ётганлиги ва сақланиши, фуқароларни қабул қилишда сансалорликларга йўл қўйилаётганлиги юзасидан эътирозлар билдирилди. Фуқароларни қабул қилиш бўйича зарур шароитлар яратилмаган ташкилотларга ҳам тегишли йўл-йўриқлар берилди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини ўқитиш бўйича семинар ўтказилди. Анжуманда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида вилоятдаги ҳокимлик органлари, давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлигини янада кучайтириш лозимлиги алоҳида уқтирилди.

— Шу ўринда минтақавий вакилликка мурожаат қилаётган фуқароларнинг ариза ва шикоятлари юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида нималар дея оласиз?

— Фуқаролардан тушган ёзма ёки оғзаки шикоят аризалари ҳамда мурожаатларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмайди. Ҳар бир ариза ёки мурожаат ўз вақтида ўрганиб чиқилган ҳолда унга атрофлича маълумот тайёрланиб, аризачига жавоб ёзиш учун ҳаракат қилинмоқда. Ана шу мақсадда аризачининг ҳар бир шикояти мутахассислардан иборат эксперт гуруҳлари билан биргаликда у истиқомат қиладиган маҳалла ва оиласига ёки унинг иш жойига бориб, батафсил ўрганишга, аризачининг мурожаатига дахлдор бўлган шахслар ҳамда мансабдор кишилар билан бевосита учрашиш ва мулоқот қилишга ҳаракат қилиняпти. Бундан кўзланган асосий мақсад вилоятда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилган, қонунбузарлик ҳоллари рўй берган вазиятларда эса адолат тамойилларини қарор топтиришдан иборатдир.

Масалан, жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида вилоятимиз фуқароларидан жами 11 нафар киши инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича минтақавий вакилга ёзма ва оғзаки тарзда мурожаат қилган эди. Тушган аризаларнинг барчаси ўз вақтида ўрганиб чиқилиб, ечимини топиш ҳамда ҳал қилиш учун тегишли идора ва мутахассисларга юборилди. Ҳал қилинган аризалар бўйича маълумотлар ўз вақтида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)га жўнатиб турилибди.

Амалдаги қонунчилигимиз талабларига мувофиқ, инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ишлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади.

«Халқ сўзи» мухбири Набижон СОБИРОВ суҳбатлашди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда аспирантура ва докторантурада ўқиш учун қабул эълон қилади:

08.00.01 — иқтисодий назария
08.00.07 — молия, пул муомаласи ва кредит
08.00.08 — бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит
08.00.13 — менежмент ва маркетинг
08.00.07 — молия, пул муомаласи ва кредит (докторантура).

Керакли ҳужжатлар:

— ариза,
— шахсий варақа ва таржимаи ҳол,
— иш жойидан тавсифнома-тавсиянома,
— ихтисослик бўйича реферат (илмий ишлар ва ихтиролар эълон қилинмаган бўлса),
— диплом ва баҳоларнинг тасдиқланган нусхаси,
— меҳнат дафтарчасининг тасдиқланган нусхаси,
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва нусхалари,
— тиббий маълумотнома (086 шакл),
— 4х6 ҳажмдаги 4 та фотосурат,
— паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади,
— аспирантурага киришга тавсия бўйича илмий кенгаш баённомасидан кўчирма (олий ўқув юртини жорий йилда тамомлаган бўлса).

Ҳужжатлар 2009 йил 23 октябргача қабул қилинади.
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли, 7-уй, илмий, илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими.
Телефонлар: 234-76-31, 234-55-38.

1090R/1484

ТРАНСАЭРО ЯНГИЛИГИ

ТОШКЕНТ ВА БУХОРОДАН МОСКВА ОРҚАЛИ ҚУЙИДАГИ ШАҲАРЛАРГА ПАРВОЗ ҚИЛИШ УЧУН ИМТИЁЗЛИ ТАРИФЛАР:

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ, СОЧИ, АНАПА, КРАСНОДАР, ХАБАРОВСК, ЮЖНО-САХАЛИНСК, ВЛАДИВОСТОК, ПЕТРОПАВЛОВСК-КАМЧАТСКИЙ

ТОШКЕНТ — МОСКВА

Янги «Боинг-737-800 Next Generation» самолётида

ТАЛАБАЛАРГА МАХСУС ТАКЛИФ:

ГЕРМАНИЯ, БУЮК БРИТАНИЯ, КИПРга ЁШЛАР УЧУН ЙИЛЛИК ТАРИФ

* ТЎЛИҚ МАЪЛУМОТЛАРНИ АВИАЧИПТА СОТУВЧИ АГЕНТЛАРДАН ОЛИШ МУМКИН.

Тел.: 227-00-78, 227-01-87, 227-09-19.

Аккредитация сертификати № 210.

www.transaero.ru

937R/1303

«Yili Star – River Trade & Business Co Ltd»

компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси

«North-Benz» русумли махсус техникалар (самосвал, тиркама, автокран, цемент ташувчи машина ва бошқалар) ни сотадиган мутахассислар танловини ўтказади.

Шунингдек, хитой, рус ва ўзбек тилларини мукаммал биладиган таржимон ҳамда котиба танлов асосида ишга қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Ҳ. Сулаймонова кўчаси, 43-«А» уй.
Тел.:/факс: (+99871) 233-29-69, 233-04-93, (+99897) 119-17-85, (+99893) 596-79-44.

1077R/1486

«Чиноз балиқларга омихта ем тайёрлаш корхонаси» АЖ

балиқ, парранда, қорамолларни боқиш учун тайёрланган, донадор омихта ем ва омихта ем тайёрлаш учун зарур бўлган хом ашёлар (ингредиентлар)ни СОТАДИ.

Дон маҳсулотлари: маккажўхори, буғдой, арпа ва соя шроти, кунгабоқар шроти ҳамда омихта ем тайёрлаш учун зарур бўлган хом ашёлар (ингредиентлар)ни СОТИБ ОЛАДИ.

Манзил: Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри.
Телефонлар: (+998 71) 215-51-52/53, (+998 93) 184-67-45. Факс: (+998 71) 233-18-12.
E-mail: chzrgk@mail.ru

Маҳсулот сертификатланган.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ ва унинг вилоят филиали

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. РКМБ марказий идорасининг аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан такроран Ўзбекистон Республикаси МХХ автотранспортларни сақлаш омборхонасида сақланаётган, «Toyota-Lexus LX-470» русумли, давлат рақами 30К3535 бўлган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда (2009 йил 2 февралдаги, 2781-сонли ижро ҳужжатига асосан).

Бошланғич баҳоси – 100 000 000 сўм.

Шунингдек, Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан (2008 йил 25 декабрдаги, ЖСК-1-481/2008-сонли ижро ҳужжатига асосан) ХЁАТ «Парвинабанк» Тошкент шаҳар филиалига тегишли бўлган, Ҳамза тумани, «Шарқли милиса» жарима майдончасида сақланаётган:

1. «Тойота Прадо» русумли, давлат рақами 10АТ720 бўлган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси – 71 846 769,30 сўм.

2. «Тойота Прадо» русумли, д/р 10АU717 бўлган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси – 71 846 769,30 сўм.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоси 2009 йил 3 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

2009 йил 27 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига эса такроран Чиноз тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Чиноз тумани, Олмазор қўрғони, Расулобод кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган, Р.Эргашевага тегишли уй-жой бино-иншоотлари қўйилмоқда. (2009 йил 6 февралдаги, 312-сонли ижро ҳужжатига асосан).

Бошланғич баҳоси — 106 206 876 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10% идан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг «Ипак йўли банки» ОАИКБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-«А» уй. Тел: 228-79-52.

II. РКМБ Хоразм вилояти филиалининг аукцион савдосига такроран Урганч тумани СИБ томонидан (2009 йил 4 августдаги 6203-сонли ижро ҳужжатига асосан) «Шариф Зарипов» ОАЖга қарашли бўлган, Урганч тумани, Чоткўпир қишлоғида жойлашган, қурилиш ости ер майдони 26601,88 кв.м.ни ташкил қилганлари товуқхона бинолари: №7-7, 7-8, 7-9, 7-10, 7-11, 7-12, 7-13, 7-14, 7-15, 7-17, 7-18, 7-19, инкубатор биноси, омбор бинолари №25-а, 25-б, тухум омбори биноси, сўйиш цехи биноси, тухум уни цехи биноси, ошхона биноси, меҳмонхона биноси ва маъмурий бино мажмуа ҳолатида қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 375 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 27 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига!

Юқоридаги мулклар 2009 йил 27 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, сотилмаган мулкларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2009 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 8(362)226-43-64 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий веб-сайти орқали олишингиз мумкин.

Шунингдек, 2009 йил 10 ноябрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Урганч шаҳар СИБ томонидан (2009 йил 17 июлдаги, 8029-сонли ижро ҳужжатига асосан) «Туямўйин Урганч» минтақаларо сув қувуридан фойдаланиш бошқармасига қарашли бўлган, Урганч шаҳри, Ж. Мангуберди кўчасида жойлашган, қурилиш ости ер майдони 495,52 кв.м. бўлган 2 қаватли маъмурий бино ва мажлислар зали биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 176 246 600 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10% идан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг Хоразм вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотекабанк»и «Тинчлик» филиали, МФО: 00580, СТИР: 200933850.

Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уй. Телефон: 8 (362) 226-32-63, 226-43-64.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

www.rkmb.uz.

Лицензия: DB 001 №000004.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида маданият, санъат ва мода йўналишидаги йирик лойиҳа — "Art Week Style.uz — 2009" ҳафталиги очилди.
Тўрт йилдирки, санъат ихлосмандларининг меҳрини қозонаётган мазкур анжуман бугунги кунда миллий қадриятларимизни жаҳон миқёсида кенг намоён этишга муносиб хизмат қилмоқда.

КЎРКАМ ЛИБОСЛАР, НОЁБ ДУРДОНАЛАР

кеча Тошкентда очилган санъат ҳафталигида намойиш этилмоқда

Зеро, ҳафталик иштирокчиларига тақдим этилаётган миллий санъатимиз намуналари, ўзбекона матолар, амалий санъат асарлари хорижликларнинг ҳам ҳайрат ва қизиқишига сабаб бўлаётир. Шу боис жаҳондаги етакчи ахборот агентликлари, радио ва телевидение, газета ва журналлар, шунингдек, Интернет сайтларидан айнан ушбу санъат ҳафталиги доирасидаги тадбирларга бағишланган мақолалар кенг жой олмоқда.

Бу галги ҳафталикда Австрия, Германия, Франция, Италия, Россия, Швейцария, Япония, Исроил, Хитой, Ҳиндистон, Латвия сингари мамлакатлардан таниқли дизайнерлар, машҳур мода брендлари муаллифлари, фэйшн саноатида фаолият юритувчи йирик халқаро ташкилотлар вакиллари, шоу-бизнес намояндалари, мода журналларининг муҳаррирлари ҳамда жамоат арбоблари иштирок этмоқда. Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, анъанавий "Style.uz" ҳафталигининг халқаро нуфузи йилдан-йилга ошиб бораяпти. Айни пайтда бу анжуман мода ва дизайн соҳасида изланаётган ёшлар ижодини кенг тарғиб қилиш, жаҳон миқёсида эришилаётган энг сўнгги ютуқлар билан яқиндан танишиш имконини беради.

Ҳафталикнинг илк кўргазмаси "Тошкент курантлари" архитектура ансамблида бўлиб ўтди. Пойтахтимизнинг 2200 йиллик тўйи муносабати билан тубдан қайта таъмирланиб, бетакрор қиёфа касб этган ушбу мажмуада намойиш этилган кўргазмаларда миллий ҳамда замонавий матолар, хусусан, тўқимачилик технологияларини қайта тиклаш услублари, таниқли ва ёш дизайнерлар ижодига мансуб бетакрор либослар дизайни, шунингдек, мода оламига тааллуқли янгиликлар билан танишилди.

Анъана

Кўргазмадан пойтахтимиздаги "Europa Exclusive", "Podium Italia" бутиклари, "Shedevr" совғалар дўкони, "Bang & Olufsen" ва "Vertu" компаниялари сингари кўплаб савдо масканларининг маҳсулотлари ҳам жой олди. Бундан ташқари, лойиҳа доирасида миллий ҳунармандчилик намуналари, жумладан, кулолчиликда ўзига хос мактабга эга бўлган Раҳимовлар сулоласи ҳамда мискар-кандакор Маъсуд Мадалиевнинг қадимий услубдаги ижодий асарлари намойиш этилди. Бундан ташқари, VI-XIX асрларга оид қадимий буюмлар, коллекциячиларнинг шахсий тўпламларидан жой олган дурдоналар, бугунги кун ижодкорларининг каштачилик, мато тўқиш санъатига оид нодир ишланмалари иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

— Ҳар бир нақшида оламолам маъно мужассам сўзаналаримизни, моҳир усталаримиз ижодини диққат билан томоша қилаётган хорижликлар ҳайратини кўриб, бениҳоя фахрландим, — дейди Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур. — Ушбу кўргазма юртдошларимиз ва хорижлик санъат ихлосмандларини она-Ватанимизнинг бебаҳо қадриятлари билан яқиндан таништиришга хизмат қилади. Айниқса, ёшларимизнинг миллий ўзига хослигимиз, аждодлардан мерос бетакрор анъаналарни янада кўпроқ қадрлашлари учун бу сингари тадбирлар ниҳоятда зарур.

— Тошкентда бўлиб ўтаётган "Art Week Style.uz — 2009" ҳафталигида илк бор иштирок этишим, — дейди россиялик модельер Вардуи Назарян. — Ўзбек халқининг бой тарихи ва маданияти, қадимий ноёб буюмлари, миллий ҳунармандчилик намуналари билан яқиндан танишгач эса, бу заминга қизиқишим, ҳурматим янада ортди. Бу ердаги унутилмас таассуротлар келгусидаги ижодимда туб бурилишларга сабаб бўлса, ажаб эмас. Бугунгача яратган либосларимнинг янги тўпламини жаҳондаги етакчи фирма ва компаниялар иштирок этаётган мазкур ҳафталикда намойиш этмоқчиман. Ёз ва куз мавсумига мўлжалланган ушбу коллекциям илк бор намойиш этилмоқда, шу боис ижодим фэйшн саноати усталари ва мода ихлосмандларига манзур бўлишини астойдил ният қилмоқдаман.

Мода ҳафталигида юртимизнинг таниқли дизайнерлари қаторида ёш ижодкорлар ҳам ўз асарлари билан қатнашмоқда. Бугун улар иштирокида "Underground" номли ёш дизайнерлар коллекциялари намойиши бўлиб ўтади. Қолаверса, ҳафталик давомида турли маданий тадбирлар, пойтахтимизнинг диққатга сазовор гўшаларига саёҳатлар, тасвирий ва амалий санъат асарлари кўргазмаси, мода соҳасидаги етакчи мутахассисларнинг маҳорат дарслари ўтказилиши кўзда тутилган.

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Яхши хабар

ҚИШЛОҚДА МУҲТАШАМ МАЖМУА

Косон туманидаги Гувалак қишлоғида муҳташам спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Бу ерда спортнинг бошқа турлари қатори бадиий гимнастика билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилган.

Шу пайтга қадар қишлоқ ёшлари мослаштирилган биноларда машқ қилишаётган эди. Ушбу спорт иншооти Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси буюртмасига кўра, "Соҳибкор-Дилхуш" хусусий корхонаси қурувчилари томонидан қисқа муддатда бунёд этилди. Бунинг учун 497 миллион сўм маблағ сарфланди.

Айтиш лозимки, мазкур мажмуада бадиий гимнастика бўйича нафақат республика, балки халқаро миқёсдаги мусобақаларни ҳам ўтказиш мумкин.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт • Sport • Спорт

Пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари теннис мактаби кортларида мукофот жамғармаси 125 минг АҚШ долларига тенг бўлган "Challenger Tashkent 2009" халқаро турнири давом этмоқда.

ТЕННИС УСТАЛАРИ ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШМОҚДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида кўрсатилаётган ғамхўрликлар самараси ўлароқ, спортчиларимиз турли халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, совриндорлар сафидан жой олиб келмоқдалар.

Юртимизда спортнинг барча турлари қаторида жадаллик билан ривожланмоқда. Айни пайтга келиб, мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида замонавий кортлар барпо этилиб, уларда шуғулланиш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. 2008 йилнинг 29 апрелида Президентимизнинг "Республика Олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда юртимизда иқтидорли теннисчиларни тарбиялаш, уларнинг маҳоратларини мунтазам ошириб бориш, пировардида халқаро турнирларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган терма жамоа захирасини шакллантириш мақсади ҳам кўзда тутилган.

Пойтахтимизда ўтказиб келинаётган "Challenger Tashkent" халқаро турнири бу борада алоҳида ўрин тутади. 18 октябрга қадар давом этадиган бу йилги беллашувларда мезбонлардан ташқари, Кипр, Испания, АҚШ, Россия, Ҳиндистон, Украина, Хитой Тайпейи, Словакия, Голландия, Қозоғистон, Бельгия, Германия, Япония, Молдова ва Чехия каби жами ўн олти мамлакатдан келган ракетка усталари бош соврин учун кураш олиб бормоқда.

Кеча ўтказилган жуфтлик бахсларида ҳамюртларимиз Рифат Биктяков ва Сарвар Икромов ғалаба қозонишди. Яккалик мусобақасида эса япониялик Ито Татсума, Хитой тайпейилик Лу Йен-Сун, украиналик Александр Долгополов ва ҳиндистонлик Сомдев Девварман ўз рақибларини мағлубиятга учратиб, кейинги босқичга йўл олдилар.

Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин бугун словакиялик Крижан Мазтига қарши кортга чиқади. Эслатиб ўтамиз, Денис бундан бир неча кун муқаддам Монсе (Бельгия) шаҳрида якунланган "Челленжер" туркумидаги халқаро мусобақанинг жуфтлик беллашувида россиялик Евгений Королев билан биргаликда фахрли биринчи ўринни қўлга киритган.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 2009 йил учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича аспирантурага қабул эълон қилади.

10.01.05	—	Европа, Америка ва Австралия халқлари адабиёти
10.01.10	—	Журналистика
10.02.04	—	Герман тиллари
10.02.05	—	Роман тиллари
10.02.19	—	Умумий тилшунослик, социолингвистика, психолингвистика
10.02.20	—	Қиёсий-тарихий, типологик ва қиёсий тилшунослик, таржима назарияси
13.00.01	—	Умумий педагогика, педагогика ва таълим тарихи
13.00.02	—	Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

Аспирантурага кирувчилар олий таълим муассасалари дастури ҳажмида қуйидаги танлов кириш имтиҳонларини топширадилар:

— *ихтисослик*
— *фалсафа*
— *чет тили (инглиз, немис, француз)*
— *Ўзбекистон тарихи*

Ҳужжатлар 2009 йил 17 октябргача қабул қилинади.

Манзилимиз: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли, Г-9«А» мавзеси, 21-«А» уй. Телефонлар: (+99871) 275-89-48, 275-55-57.

ХОРИЖЛИКЛАРНИ ҲАЙРАТЛАНТИРГАН ФАОЛИЯТ

Ўзбекистон Бадиий академияси қошидаги Тошкент Фотосуратлар уйида ўзбек миллий фото санъати асосчиси ва илк ўзбек кинооператори Худойберган Девоновнинг фотосуратлар кўргазмаси бошланди. Ижодкор таваллудининг 130 йиллигига бағишланган ушбу тадбир "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида ташкил этилди.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

Санъат

Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан эл-юрт манфаати, мамлакат тараққиёти йўлида жон қойитган, бироқ қатағон йилларида ноҳақ айбланиб, умри хазон бўлган юртдошларимиз номлари қайта тикланди. Уларнинг ижодий ишлари қайта ўрганилиб, мангу қўним топган манзилларига эътибор қаратилди. Хусусан, пойтахтимиздаги "Бўзсув" канали ёқасида барпо этилган "Шаҳидлар хотираси" хиёбони ана шундай ватанпарвар юртдошларимиз хотирасига кўрсатилган юксак эҳтиром рамзидир.

— Худойберган Девонов ҳам кўплаб ўзбек зиёлилари қаторида машъум давр қурбони бўлган, — дейди "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси раёсати раиси, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи директори Бахтиёр Ҳасанов. — Бугун ушбу инсоннинг халқимиз ўтмиши, одамлари, турли ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўзида жамлаган юзга яқин фотосуратлари намойишга қўйилиши иштирокчиларни қизиқтириши табиий. Қолаверса, музейимизнинг қатағон қурбонларига оид бўлимида биринчи ўзбек суратқашининг ижодига тегишли кўплаб маълумотлар, ашёлар бор. Бу эса музейга ташриф буюрувчи меҳмонларни ўзига жалб этибгина қолмай, техника ривожланмаган бир шароитда Худойберган Девоновнинг сурат ва фильмлари бу қадар пухта ишланганлиги ниҳоятда ҳайратлантирмоқда. Айниқса, хориждан келган сайёҳлар мазкур даргоҳни томоша қилишгач, ота-боболаримизнинг маърифатли, тиришқоқ, юксак маънавият соҳиби эканликлари бежиз эмаслигини таъкидлашди.

Кўргазмада сўзга чиққанлар, шунингдек, Х. Девоновнинг операторликка оид ишлари, шахсий ҳаёти, оиласи ҳақида қизиқарли маълумотларни гапириб беришди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Табиат дорихонаси

Дафна (лавр) баргини биласизми? Шу савол берилганда, кўпчилигимиз "Ҳа, у таомни хуштаъм ва хушхўр қилади", деб жавоб қайтаришимиз тайин. Аммо тан олиш керакки, унинг шифобахш хусусиятларидан аксариятимиз тўлиқ воқиф эмасмиз.

ШИФОБАХШ ДАФНА

Бинобарин, унинг меваларидан ажратиб олинган мой қулоқ оғриғига малҳам, қўл-оёқ қақшашини енгиллаштирувчи, меваси асабни мустаҳкамловчи восита саналади.

Чунончи, Абу Али ибн Сино дафнани камқувватликни, жигар ва талоқ шишларини даволашда, назла ҳайдашда, жигар оғриғи, бош оғриғи, қулоқ шанғиллаши, юқори нафас йўлларининг шамоллашида қўлланса, ижобий натижа беришини ўз асарларида қайд этиб ўтган.

Халқ табобатида дафнали ёғ фалажланган жойга суртилиши тавсия қилинади. Шунингдек, миозит, артрит ва невралгия каби касалликларда ҳам ундан суртма сифатида фойдаланиш мумкин.

Айниқса, тангачали темираткини бартараф этишда дафна барларини қайнатиб ичишнинг самараси ва нафи айрича. Бунинг учун 20 дона дафна барги 400 грамм сувда 10 дақиқа қайнатилади. Қайнатма совитилгач, сузиб олинади. Шарбати кун давомида учга бўлиб ичилади. Даво амали — 5-7 кун.

Умуман, дафнанинг таркибида шифобахш омиллар жуда сероб. Унда эфир мойи, азотли бирикмалар, пентозанлар, пектин, ошловчи моддалар мавжуд. Мевасида 30 фоизгача ёғ, эфир мойлари, турли дармондорилар, маъданий унсурлар мужассамлашган.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

2009 йил учун аспирантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади.

01.00.00 - Физика-математика фанлари

01.02.05 — Суюқлик, газ ва плазма механикаси
01.02.07 — Сочилувчан жисмлар ва тоғ жинслари механикаси

05.00.00 - Техника фанлари

05.23.01д — Қурилиш конструкциялари, бинолар ва иншоотлар
05.23.05д — Қурилиш материаллари ва буюмлари

18.00.00. - Архитектура

18.00.01 — Архитектура назарияси ва тарихи, ёдгорликларни таъмирлаш
18.00.02 — Бино ва иншоотлар архитектураси
18.00.04 — Шаҳарсозлик, районлаштириш, ландшафт архитектураси ва қишлоқ туражойларини режалаштириш

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 2009 йилнинг 20 октябригача қабул қилинади.
Кириш имтиҳонлари 2009 йил 24 октябрдан 30 октябргача ўтказилади.
Кириш имтиҳонлари танланган мутахассислик фани, фалсафа, информатика ва чет тилидан топширилади.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй, 217-хона, илмий бўлим. Тел.: 241-11-73, 241-80-02.

ОБ-ҲАВО (13 октябрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 5-10, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 5-10, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 5-10, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 5-10, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 6-11, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 5-10, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 6-8, кундузи 22-24 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

ПП «ЧИРЧИК ШАНХАЙ ПЛАСТ»
ПРОИЗВОДИТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ
ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ, КОМПЛЕКТУЕТ АДАПТЕРАМИ, СОЕДИНИТЕЛЯМИ, ОТВОДАМИ, ТРОЙНИКАМИ.
ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.
Товар сертифицирован, гарантия — 5 лет, срок службы — 50 лет.
Адрес: г. Ташкент, ул. Шайхантохур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЗАК». Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00, моб. (+998 93) 547-49-75, (+998 90) 995-19-99. e-mail: sedou2006@yandex.ru

"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририяти жамоаси "Народное слово" газетаси масъул котиби Л. М. Кучеренкога умр йўлдоши
Анатолий Дмитриевич КУЧЕРЕНКОнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент фармацевтика институти жамоаси Анорганик, аналитик, физик ва коллоид кимё кафедраси профессори Неъмат Олимовга падари бузруквори
ҚАЮМ отанинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси жамоаси компания бош ҳисобчиси Баҳриддин Мамадиевга опаси
Сайёра МАМАДИЕВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 32373 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.10 Топширилди — 21.10 1 2 3 4 5